

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КАМАЛОВА ФЕРУЗА РАХМАТИЛЛОЕВНА

ҚАНДЛИ ДИАБЕТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРДА АСОСИЙ
СТОМАТОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ
ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УНИ БАҲОЛАШ

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро - 2021

Фан доктори (DSc) диссертация автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the dissertation abstract of doctoral dissertation (DSc)

Камалова Феруза Рахматилловна

Қандли диабет билан касалланган болаларда асосий стоматологик касалликлар профилактикаси дастурини ишлаб чиқиш ва уни баҳолаш 3

Камалова Феруза Рахматилловна

Разработка и оценка эффективности программы профилактики основных стоматологических заболеваний у детей, страдающих сахарным диабетом..... 29

Kamalova Feruza Raxmatilloevna

Development and evaluation of the effectiveness of the program for the prevention of major dental diseases in children suffering from diabetes mellitus 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 60

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КАМАЛОВА ФЕРУЗА РАХМАТИЛЛОЕВНА

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРДА АСОСИЙ
СТОМАТОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ
ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УНИ БАҲОЛАШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро - 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/Tib428 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида www.bsmi.uz ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Иноятов Амрилло Шодиевич

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдукадыров Абдусалом Абдукадырович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шалабаева Клара Зулкарнаевна

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Муртазаев Саидмуродхон Саидиалоевич

тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865)-223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru.)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865)-223-00-50.)

Диссертация автореферати 2021 йил «_____» _____ кунни тарқатилди.
(2021 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ж. Тешаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Н. Ачилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.А. Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Сўнги йилларда болалар стоматологияси йўналишида олиб борилаётган илмий изланишлар оғиз бўшлиғи саломатлиги ва соматик касалликлар, шу жумладан қандли диабет ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш ва баҳолашга қаратилган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) мутахассисларининг баҳолашига кўра «...дунё бўйлаб барча ёшидаги инсонларда қандли диабетнинг тарқалиши 2000 йилда 2,8% ни ташкил этиб, 2030 йилга келиб унинг тарқалиши 4,4% гача ўсиши кутилмоқда»¹. Қандли диабетга чалинган болаларни парвариш қилишда оғиз бўшлиғи саломатлиги тегишли мутахассислар томонидан инобатга олинади ва назорат гуруҳига киритилади. Қандли диабетли беморлар оғиз бўшлиғи аъзоларининг саломатлиги улар соғлигининг умумий ҳолатига ва касалликнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади, шунинг учун қандли диабетга чалинган беморларда стоматологик касалликларни даволаш ва профилактикасини ишлаб чиқиш замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бўлиб қолмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертлари мутахассислари фикрига кўра, «...тиббий тарғибот қандли диабет билан оғриган беморларда стоматологик касалликлар билан асоратланган ҳолатда уларни назорат қилишнинг энг самарали усули»², бўлиб ҳисобланади. Профилактик тадбирларни тўғри олиб бориш қандли диабет билан оғриган беморларда оғиз бўшлиғи касалликлари асоратларини 80% га камайтиради. Халқаро диабет федерацияси ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларидан келиб чиқиб, бутун дунёда диабет билан касалланган 200 млн.дан ортиқ бемор борлигини ҳисобга олсак, муваффақиятли профилактика нафақат асоратларнинг камайишига, балки шу каби болалар ҳаёт сифатини ҳам яхшилашга олиб келади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш «... аҳолига тиббий хизматни соғлиқни сақлаш стандартлари талабларига мослаштириш ва мамлакатимиз турли минтақаларида қандли диабет билан оғриган беморлар стоматологик касалликларини камайтириш...»³га қаратилган. Бу вазифалар мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам самарадорлигини сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, диагностика ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий этиш, патронаж хизмати ва тиббий кўрикнинг самарали моделларини яратиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш учун хизмат қилади. Ушбу вазифалар тиббий хизмат кўрсатишнинг замонавий усуллари, даволаш, қандли диабетнинг болалар ва ўсмирлар оғиз бўшлиғидаги стоматологик асоратларини олдини олишга қаратилган тадбирларни янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун ёрдам беради.

¹ World Health Organization. Global report on Diabetes, part 1 global burden of diabetes, 2018.

² Wright JT. The Burden and Management of Dental Caries in Older Children // *Pediatr Clin North Am.* – 2018. - N65(5)/- P. 955-963.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

Болалар стоматологиясининг энг асосий ва зарур йўналишларидан бири бу болаларда қандли диабетнинг асоратларини олдини олиш ва шу билан уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш бўйича даво ва профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Қандли диабет билан оғриган беморларда стоматологик касалликларни эрта ташҳислаш, даволаш, олдини олиш ва касаллик яқуни истиқболни белгилаш муаммоларини аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: National and Kapodistrian University of Athens, Zografou, (Greece); University of Copenhagen (Denmark); University of Melbourne (Australia); Institutes of Health, University of Louisville, University of Otago, University of North Carolina, University of California, University of Michigan, University of Washington, DentaQuest Institute, University of Maryland, University of Texas, The Ohio State University, Center for Evidence-Based Dentistry, Science Institute, American Dental Association, American Academy of Pediatric Dentistry, American Association of Public Health Dentistry (USA); Scientific Information, Science Institute, National Institute of Dental and Craniofacial Research, National Peking University, Shanghai Stomatological Hospital, Fudan University, Guangxi Medical University, Northwest Minzu University, Central South University, University of Hong Kong, Dental Disease Control Institute (China); University of Chile; McMaster University (Canada); Курск давлат тиббиёт университети (РФ), Тошкент давлат стоматология институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Дунёнинг кўпгина давлатларида болалар ёшида стоматологик касалликлар профилактикаси бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган ва қуйидаги илмий натижалар олинган: University of Hong Kong, Dental Disease Control Institute (China); University of Otago, New Zealand, University of North Carolina, University of California, University of Michigan, University of Washington, Dental Quest Institute, University of Maryland, University of Texas, The Ohio State University (USA); Center for Evidence-Based Dentistry, Science

Institute, American Dental Association, American Academy of Pediatric Dentistry, American Association of Public Health Dentistry (USA); Scientific Information, Science Institute, National Institute of Dental and Craniofacial Research, National Institutes of Health (USA); University of Chile; McMaster University (Canada). РФ ва Белорусь давлат тиббиёт университетлари тадқиқот ишларида гигиеник тарбия ва стоматологик касалликлар келиб чиқишида ота-оналар роли ҳақидаги маълумотлар натижалари келтирилган. Кариес ва бошқа стоматологик касалликлар келиб чиқиши учун назоратга олинган тиш тозалаш услубларининг ахамияти аниқланган. Shiraz University of Medical Sciences (Iran) да профилактик тадбирларнинг натижадорлиги ҳақида қиёсий ишлар етарли эмаслиги назарда тутилган.

Жаҳонда қандли диабет билан касалланган болаларда асосий стоматологик касалликлар профилактикаси бўйича қатор, жумладан қўйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: Thammasat University, Mahidol University, Suranaree University of Technology (The Ministry of Public Health, Thailand); Niigata University (Japan); University of Copenhagen (Denmark); Newcastle University, University of Birmingham King's College London Dental Institute (UK); University of Sydney (Australia); Universidade Luterana do Brasil (Brazil); University of Hong Kong (China); Shahid Beheshti University of Medical Sciences, Tehran University of Medical Sciences (Iran); University of Texas health Science Center (USA); The Borrow Foundation (UK). Аммо қандли диабет билан оғриган болаларда стоматологик касалликларга ташҳис қўйишда ноинвазив ва каминвазив бўлган усулларни қўллаш етарлича ўрганилмаган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қандли диабет (ҚД) муаммосининг долзарблиги бутун дунёда тан олинган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, 2012 йилда дунёда 280 миллионга яқин қандли диабет билан касалланган беморлар, шу жумладан 480 минг нафари болалар бўлиб, ўлим даражаси дунё бўйича 9% ни ташкил қилган (Сабанов В.И. ва ҳаммуал., 2012; Nazir M.A. et al., 2018). Қандли диабет оғиз бўшлиғи ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатади. Шунинг учун болалар стоматологлари диабетга чалинган болалардаги оғиз бўшлиғи касалликлари хусусиятларини билишлари керак (Babu S.R., Eisenbarth G.S., 2012; Nirmala S.V.S.G., Saikrishna D., 2016).

Пародонтдаги яллиғланишлар фақат оғиз бўшлиғи билан чегараланиб қолмасдан, 1 ва 2 типдаги ҚД билан оғриган беморларда тизимли оқибатларга олиб келиб, бунда гингивит ва пародонтит касалликлари тарқалганиши мумкин. ҚД билан оғриган беморларда пародонтитлар соғлом аҳолига қараганда эрта ривожланиб бориши, ҚД нинг узок давом этиши натижасида эса касаллик жиддий тус олиши аниқланган (Быков И.М. ва ҳаммуал., 2018; Хабилов Н.Л. ва ҳаммуал., 2019; Adlercreutz E.H. et al., 2015).

Пародонт касалликлари гликемик назоратга ва ҚД билан боғлиқ бошқа асоратларга салбий таъсир кўрсатиши исботланган, бу каби касалликларни даволашдаги самарадорликка эришишга тўсқинлик қилади. Бундан ташқари, болаларда учрайдиган кариес - бу ҚД га чалинган беморларда тез-тез аниқланадиган кўп омилли оғиз бўшлиғи касаллиги хисобланади. Гингивит,

пародонт касалликлари ва болалик давридаги кариеснинг клиник кечишидаги боғлиқлик ўхшаш бўлиб, оғиз бўшлиғи гигиенасига етарли риоя қилмаслик сабабчи бўлади. Оғиз бўшлиғи саломатлигини сақлаш сурункали стоматологик касалликлар олдини олади ва сурункали яллиғланиш жараёнлари асоратларини камайтиради (Lifshitz F. et al., 2016).

Олиб борилган тадқиқотлар 1-тип ҚД ва оғиз бўшлиғи саломатлиги орасида боғлиқлик борлигини исботлаган. Ушбу касаллик пародонтит ва тиш кариеси каби тиш касалликларининг келиб чиқиши, ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Тўқималардаги метаболик мувозанатнинг бузилиши ҚД га чалинган беморлар оғиз бўшлиғи маҳаллий иммунитетни қаршилигининг пасайиши ва пародонт касаллигининг ривожланиши ва авж олишига сабаб бўлиши мумкин. Аниқланишича, ҚД билан касалланган болаларда кариес ривожланиш хавфи юқори (Зиновенко О.Г. ва ҳаммуал., 2018; Гаффаров С.А. ва ҳаммуал., 2019; Bissong M. et al., 2015; Gupta S. et al., 2017).

Кўрсатиб берилишича, пародонтит ривожланиши маҳаллий омилларига граммуабат бактериялар (*Aggregatibacter actinomycetemcomitans*, *Bacteroides spp.*, *Campylobacter spp.* ва бошқалар) борлиги ахамиятлидир. Сўлакдаги *Streptococcus spp.* ва *Lactobacterium spp.* миқдори ҚД билан касалланган беморларда деярли бир хиллиги аниқланган. Турли иммунитет танқислиги касалликларида оғиз бўшлиғи замбуруғли инфекциялари соғлом болаларга қараганда кўп учраган. Маълумотлар диабетга чалинмаган болалар билан таққосланганда, диабетга чалинган беморларда ташиш частотаси ва *Candida albicans* нинг кўпайганлигини кўрсатади. Шунингдек, *Candida albicans* ва *Streptococcus mutans* асосий кариесоген микроб эканлиги ҳам аниқланган (Мухамедов И.М. ва ҳаммуал., 2016; Хрипков В.Н. ва ҳаммуал., 2019; Graziani F. et al., 2018; Kotelban A. et al., 2019; Babatzia A. et al., 2020).

Турли хил сурункали патологияларда, жумладан ошқозон-ичак тракти касалликларида, рухий зўриқишда сўлакнинг биокимёвий ва иммунологик таркибини ўрганиш бўйича тўпланган илмий билимлар натижалари, оғиз бўшлиғи секрецияси бемор танасида содир бўлаётган жараёнларни акс эттирувчи ва гомеостазни барқарор ушлаб турувчи кўрсаткич эканлигини исботлайди (Комарова Л. Г., Алексеева О.П., 2016; Li A., Но Т.С., 2019).

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муссасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институтида «Бухоро минтақасида иссиқ иқлим шароитида патология олди ва патологик ҳолатларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашиш йўллари ишлаб чиқиш (2017-2021 йиллар)» 12.2019DSc043-сон илмий-тадқиқот ишларининг режаси асосида бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Қандли диабет билан касалланган болаларда асосий стоматологик касалликлар профилактикаси дастурини ишлаб чиқиш ва тактикасини мақбуллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

1-тип қандли диабет билан оғриган болаларда стоматологик касалликларни келтириб чиқариши мумкин бўлган турли хавф омилларини аниқлаш ва баҳолаш;

1-тип қандли диабет ва асосий стоматологик касалликлар ташҳисланган болалар сўлагидаги цитокинлар миқдорини стоматологик касалликлар билан коморбидликка боғлиқ ҳолда баҳолаш;

1-тип қандли диабет ҳамда асосий стоматологик касалликлари мавжуд бўлган болаларда иммунологик ва биокимёвий кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини корреляцион таҳлил орқали аниқлаш;

стоматологик касалликлари бор қандли диабет ташҳиси қўйилган болаларни олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқиш;

оғиз бўшлиғи касалликлари аниқланган 1-тип қандли диабет билан касалланган болаларда саливатор цитокин диагностикаси тиббий, ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш;

турли оғиз бўшлиғи касалликлари аниқланган 1-тип қандли диабет билан оғриган болаларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш;

1-тип қандли диабет билан оғриган болалар ҳаёт сифатини яхшилаш учун стоматологик касалликлар профилактикаси ўқув дастурини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилояти эндокринология тиббиёт марказида стационар шароитда даволанган 1-тип қандли диабет билан касалланган 1031 нафар бемор танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида бемор болалар қони, қон зардоби ва сўлаги ажратиб олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияни бажаришда стоматологик, иммунологик, биохимик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

1-тип қандли диабет билан оғриган болаларда асосий стоматологик касалликлар келтириб чиқарадиган рухий зўриқиш, оғиз бўшлиғи кандидози, оилада қандли диабет бўлганлиги, ичак дисбиози, анамнезида диарея каби хавф омиллари аниқланган;

IL-1 β , IL-4, IL-18, INF α саливатор цитокинлар 1-тип қандли диабет ва стоматологик касалликлар ташҳисланган болаларда оғиз бўшлиғи яллиғланиш касалликлари диагностик маркёрлари эканлиги исботланган;

стоматологик касалликлар мавжуд бўлган 1-тип қандли диабет билан касалланган болаларда саливатор цитокинлар ҳамда сўлак биокимёвий кўрсаткичлари орасидаги боғлиқликлар аниқланиб, касаллик якуни истиқболини белгилаш градацияси тузилган;

стоматологик касалликлар ва 1-тип қандли диабет ташҳисланган бемор болаларни асосий касаллик хуружи, уни даволаш ва профилактик тадбирлар ўтказиш даврларида беморларни олиб бориш тактикаси алгоритми ишлаб чиқилган;

оғиз бўшлиғи касалликлари аниқланган 1-тип қандли диабет билан касалланган болаларда саливатор цитокинлар диагностик маркёрларидан фойдаланишнинг тиббий, иқтисодий самарадорлиги баҳоланган ва юқори клиник-диагностик аҳамияти асосланган;

1-тип қандли диабет бор болаларда стоматологик касалликлар бирламчи профилактикасининг ўтказилиши улар ҳаёт сифати кўрсаткичларига ижобий таъсир этиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

1-тип қандли диабет ва асосий стоматологик касалликлар ташҳисланган болаларда оғиз бўшлиғи яллиғланиш касалликлари диагностик маркёрлари сифатида саливатор цитокинлардан фойдаланиш касалликни эрта ташҳислаш, профилактик тадбирларни ўтказиш самарасини ошириши аниқланган;

стоматологик касалликлар ва 1-тип қандли диабет ташҳисланган бемор болаларни олиб бориш тактикаси алгоритми умумий амалиёт ва оилавий шифокорлар иш фаолияти самарасини ошириши исботланган;

стоматологик касалликлари бор бўлган 1-тип қандли диабет билан оғриган болалар орасида стоматологик касалликлар бирламчи профилактикасининг ўтказилиши болалар ва улар ота-оналари ҳаёт сифатини яхшилаши баробарида юқори ижтимоий самара бериши исботланган;

1-тип қандли диабет ташҳисланган болалар орасида стоматологик касалликлар шаклланиши ва ривожланишини олдини олиш учун бирламчи профилактика мақсадида 6 соатлик «Соғлом тиш - соғлом кун» ўқув дастури ишлаб чиқилган ва 4 ёшдан бошлаб ўқитилиши лозимлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган замонавий тасдиқланган, бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор-инструментал ва статистик усуллар, етарли миқдордаги беморлар сони, олинган натижаларнинг назарий ва амалий ҳисоб-китобларга мувофиқлиги, олинган натижаларнинг назарий ҳамда амалий жиҳатдан тасдиқланганлиги, Олинган натижалар маҳаллий ва худди шунга ўхшаш хорижий муаллифлар томонидан олинган маълумотлар бўйича қийосланганда ишончлидир, хулосаларнинг асосланганлиги, шунингдек ваколатли ташкилотлар томонидан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти 1-тип қандли диабет билан оғриган болаларда стоматологик касалликларни келтириб чиқариши мумкин бўлган хавф омиллари аниқланганлиги, уларнинг стоматологик касалликлар келтириб чиқариш даражаси баҳоланганлиги, оғиз бўшлиғи яллиғланиш касалликлари диагностик маркёрлари сифатида саливатор цитокинлардан фойдаланишнинг клиник, тиббий, ижтимоий-иқтисодий аҳамияти юқори эканлиги аниқланганлиги, саливатор цитокинлар ҳамда сўлак биокимёвий кўрсаткичлари орасидаги боғлиқликлар касаллик якуни истикболини белгилаш имконини берганлиги; беморларни олиб бориш тактикаси алгоритми ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий аҳамияти 1-тип қандли диабет ва стоматологик касалликлар ташҳисланган болаларда оғиз бўшлиғи яллиғланиш касалликлари диагностик маркёрлари сифатида саливатор цитокинлардан фойдаланиш касалликни эрта ташҳислаш, профилактик тадбирларни ўтказиш самарасини ошириши исбот қилинганлиги, олиб бориш тактикаси алгоритми умумий амалиёт ва оилавий шифокорлар иш фаолияти самарасини ошириши кўрсатиб берилганлиги, шу тоифа болалар орасида стоматологик касалликлар ривожланишини олдини олиш учун бирламчи

профилактика мақсадида махсус ишлаб чиқилган ўқув дастурининг амалий аҳамияти исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қандли диабетга чалинган болаларда асосий стоматологик касалликларнинг олдини олиш дастурини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижаларга асосланиб:

«1-тип қандли диабет билан оғриган болаларда стоматологик касалликлари диагностикаси» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 29 декабрдаги 8н-р/658-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома 1-тип қандли диабет билан касалланган болаларда тиш касалликларини эрта ташхислаш ва уларни даволаш тактикасини тўғри танлашни такомиллаштиришга хизмат қилган;

«1-тип қандли диабет билан оғриган болаларда стоматологик касалликларда цитокинодиагностика» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 29 декабрдаги 8н-р/612-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сўлак цитокинлари параметрларидан фойдаланган ҳолда 1-тип қандли диабетни бор болаларда оғиз бўшлиғи касалликлари диагностикасини яхшилашга хизмат қилган;

Қандли диабет билан касалланган болаларда асосий стоматологик касалликлар профилактикаси дастурини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолашдан олинган илмий натижалар амалий соғлиқни сақлашга, хусусан, Бухоро вилояти болалар эндокринологик тиббиёт марказига, Бухоро тумани тиббиёт бирлашмасига, Ғиждувон тумани тиббиёт бирлашмасига, Шофиркон туман тиббиёт бирлашмасига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 31 декабрдаги 8н/ 274-сонли хулосаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий анжуманларда, жумладан 5 та халқаро ва 5 та маҳаллий илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 8 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 186 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган

ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «**Қандли диабет билан касалланган болаларда асосий стоматологик касалликлари профилактикаси дастури самарадорлигининг ҳозирги ҳолати**» ҳақидаги охириги йиллар адабиёт манбалари, касалликларни келтириб чиқариши мумкин бўлган хавф омиллари, стоматологик касалликларнинг оғиз бўшлиғида намоён бўлиши ва стоматология йўналишидаги замонавий текшириш усуллари ҳақидаги сўнгги илмий маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари, 1- ва 2-тип ҚД билан оғриган беморларда стоматологик касалликларни олдини олиш ва даволаш ҳақидаги маҳаллий ҳамда хорижий тадқиқотчиларнинг илмий ишлари таҳлили тақдим этилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида «**Қандли диабетга чалинган болаларда тиш касалликларининг олдини олиш дастурини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолаш бўйича тадқиқотлар ҳажми ва усуллари**» га тегишли бўлган маълумотлар, тадқиқот материаллари, услубий ёндашувлар ва текшириш методлари ёритилган.

ҚД га чалинган болаларда тиш касалликлари ривожланиши учун хавф омилларининг аҳамиятини ўрганиш мақсадида Бухоро вилоят эндокринологик тиббиёт марказида 14562 нафар болаларнинг касаллик варақаларини ретроспектив, 2017-2019 йилларда 1-тип ҚД билан оғриган, стационар даволанган 1031 нафар бемор бола проспектив ўрганилган.

Ретроспектив тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, болаларда 1-тип ҚД нинг тарқалиш даражаси 70,8% ни ташкил этган. Ўрганилган даврида 1-тип ҚД Бухоро вилоятидаги болалардаги барча эндокринологик касалликларнинг 80,4% ини ташкил қилган. Шу тоифа беморлар орасида стоматологик касалликларнинг учраши қизиқиш уйғотган. ҚД билан касалхонага ётқизилган барча беморлар орасида 518 (50,2±1,6%) нафарида стоматологик касалликлар аниқланган.

Стоматологик ҳолатни ўрганиш учун болалар 3 гуруҳга бўлинган:

1-гуруҳ - 3-5 ёшли сут тишлов билан 30 (5,8±1,0%) нафар болалар;

2-гуруҳ - 6-11 ёшли алмашинув тишлови билан 133 (25,7±1,9%) нафар болалар;

3- гуруҳ - 12-17 ёшли доимий тишлов билан 355 (68,5±2,0%) нафар болалар.

ҚДнинг 1-типи билан касалхонага ётқизилган болаларни гуруҳларга ажратиб ўрганилганда, касалликнинг 3-5 ёшли ўғил ва қизлар ўртасида учраши мос равишда 1:1.3; 6-11 ёшли болаларда 1:1.25; 12-17 ёшли болаларда эса 1: 1.13 нисбатни ташкил этган.

Стоматологик касалликларнинг клиник кўриниши хилма-хил бўлиб, бунда кариес (75,9±1,9%, n=393), сурункали периодонтит (28,6±2,0%, n=148), катарал гингивит (24,7±1,9%, n=128) ва периодонтит (15,1±1,6%, n=78) кабилар устунлик қилган. Оғиз бўшлиғининг бошқа касалликлари (гипертрофик гингивит, тиш дистопияси, тишлов аномалиялари, юқори лаб калта юганчаси, тил калта юганчаси, тиш эмалининг гипоплазияси, туғма

дентиногенез) кабилар юқорида келтирилган касалликларга нисбатан кам учраган - $0,4 \pm 0,2\%$ дан ($n=2$) $6,8 \pm 1,1\%$ гача ($n=35$).

1-тип ҚД билан оғриган беморларда полиморбидлик аниқланиб, бу асосий касаллик ривожланишига таъсир кўрсатган. Барча ёндош касалликлар орасида ошқозон-ичак касалликлари (ўткир ва сурункали гастрит, гастродуоденит) 241 ($46,5 \pm 2,2\%$) ҳолатда, сийдик йўллари инфекциялари 199 ($38,4 \pm 2,1\%$) ҳолатда, гепатит 190 ($36,7 \pm 2,1\%$) ҳолатда, енгил ва ўртача оғирликдаги темир танқислиги анемияси 179 та ($34,6 \pm 2,1\%$) ҳолатда аниқланган. Ўтказилган тадқиқотлар асосида ҚД нинг умумий тарқалиши 18 ёшгача бўлган болаларда 70,8% ни ташкил қилганлиги аниқланган.

Пародонт касалликларини текшириш усуллари қуйидагича амалга оширилган: тиш милкларининг сурункали яллиғланиши, пародонтал чўнтақлардан йиринг ажралиши Шиллер-Писарев синамаси, милк суюқлиги кўрсаткичларини ўрганиш, бензидин тести, пародонтал чўнтақлар карашлари таркибини бактериологик текшириш, милк термометрияси, оғиз суюқлиги фракцияларини ўрганиш орқали; пародонтал чўнтақлар мавжудлиги пародонтал чуқурликни ўлчаш, альвеоляр ўсиқ ва дентал рентгенография ёрдамида; милк усти ва ости тиш карашлари уларни бўйаш ёрдамида, альвеоляр ўсиқ суяк тўқимасининг резорбцияси дентал ва панорам рентгенография, ортопантомография, рентгенограммалар денситометрик таҳлили, қондаги ишқорий фосфатаза, кальций, лимон кислотаси, оксипролин концентрациясини аниқлаб; тишлар қимирлаши, окклюзиянинг бузилиши уларнинг қимирлаш даражасини аниқлаш, окклюдотграммалар ёрдамида тишларнинг контактларини аниқлаш орқали; пародонтда микроциркулятор қон айланиши бузилиши биомикроскопия, реопародонтография, фотоплетизография, Кулаженко синамаси, тўқималарда кислород балансини аниқлаш, Роттер синамаси ёрдамида; пародонт тўқимасида маҳаллий иммун резистентлик оғиз бўшлиғи шиллик қавати аутофлорасини аниқлаш, эксфолиатив цитология, милк суюқлигининг ҳимоя омилларини аниқлаш, Ясиновский синамаси, Каветский-Базарнова синамаси ёрдамида; тиш бўйни гиперестезияси механик, ҳарорат ва кимёвий таъсирлар билан аниқланадиган синамалар ёрдамида амалга оширилган.

Қандли диабет ва стоматологик касаллиги мавжуд бўлган болаларда пародонтал ҳолатга индивидуал баҳо бериш учун КПИ (Леус П.А., 1988) индексидан фойдаланилган.

Пародонтал индекс (ПИ) пародонт патологияси яллиғланишларида қўлланилган. Пародонт патологияси бўлган беморларда унинг тарқалиши, интенсивлиги ва терапевтик-профилактика ёрдамига бўлган эҳтиёжини ўрганиш учун (ВОЗ, 1982) ва пародонт касаллигини даволашга мухтожликни ўрганиш учун СРІТН индексларидан фойдаланилган.

Кариес интенсивлиги даражаси, гингивитнинг ПМА-индекси, папилляр-маргинал индекс, ИГР - оғиз гигиенаси индекси, тиш тошлари карашлари кўрсаткичларини аниқлаш каби текшириш усуллари ўтказилган.

Сўлакдаги иммунологик текширишлар ЎзР ФА Иммунология ва инсон геномикаси институтининг иммуноморфология лабораториясида ўтказилган.

Сўлак таркибида IL-1 β , IL-4, IL-18, INF- γ цитокинлари ўрганилган, бунинг учун «Цитокин» тест тўпламлари (Санкт-Петербург, РФ) ишлатилган.

Олинган натижалар «Pentium-IV» персонал компьютер ёрдамида қайта ишланган. Ўрта арифметик кўрсаткич (M), ўртача квадратик оғиш (δ), ўртача хато (m), нисбий қийматларни (частота, %) ҳисоблаш учун вариацион статистика усулларидан фойдаланилган. Статистик маълумотлар Стьюдент (t) мезонига мос амалга оширилган. Корреляцион таҳлил эса Спирмен усулида олиб борилган. Нисбий хавф (RR) умум қабул қилинган усул билан аниқланган.

Диссертациянинг учинчи бобида **«1-тип қандли диабетга чалинган болаларда стоматологик касалликлар ривожланишининг хавф омиллари»** тўғрисида маълумотлар берилган бўлиб, унда стоматологик касалликлар келиб чиқиши учун ахамиятли хавф омиллари баҳоланган.

Хавф омилларини ўрганиш, тиш касалликларини эрта ташҳислаш, клиник ва анамнестик кўрсаткичларнинг қийматини аниқлаш, профилактика ёрдамини режалаштириш учун беморлардан олинган анамнестик ва клиник маълумотлар йиғилган ва таҳлил қилинган. 800 нафар болалар танлаб олинди, шунинг асосида белгиларнинг ўхшашлик ва фарқли томонлари ўрганилган. Шулардан 400 нафар бемор ҚД ҳамда стоматологик касаллиги мавжуд (1-асосий гуруҳ); 400 нафар бемор ҚД бор, стоматологик касаллиги мавжуд эмас (2-асосий гуруҳ); қиёслаш мақсадида таққослаш гуруҳига 800 нафар бола танлаб олинган, шулардан 400 нафар бола стоматологик касалликлари билан ва 400 нафар соғлом болалар бўлган.

1-тип ҚД фонида стоматологик касалликлар ривожланиш хавфини аниқлаш учун таққослаш жадвали тузилган (1-жадвал).

Бунинг учун ҚД да кузатиладиган ва ҳолатнинг оғирлигига баҳо берадиган белгилар рўйхати тузилган. Амбулатория шароитида текшириш учун мавжуд бўлган белгиларни танлашда боланинг ҳаёти ва касаллик тарихи, текширув маълумотлари ва лаборатория текшируви натижалари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилган.

Анамнез маълумотларига асосланиб, кўздан кечириш ва текшириш, оғиз шиллиқ қавати ҳолати, кариес, периодонтит, гингивит, кандидоз, тишлов аномалиялари, тез-тез такрорланадиган стоматит ва ўткир респиратор вирусли инфекциялар (ЎРВИ), нажаснинг табиати - жами 15 та белги ва 30 та градация ҳисобга олинган.

Таксимот тафовутининг қиймати учун 95% ишонч ҳадлари ҳисобланган. Тадқиқот давомида 35-45% тафовут билан яхши ахборот мазмуни кузатилган, 60 белгили жадвал ёрдамида 5% хатолик билан диагностика қилиш учун етарли ҳисобланган.

Асосий ва таққослаш гуруҳлари ўртасидаги оддий таққослашда қуйидаги ҳисобга олинган:

- нисбий хавф 1: иккала гуруҳ орасида хавф фарқи йўқ;
- нисбий хавф < 1 : асосий гуруҳда, 1-тип ҚД таққослаш гуруҳига нисбатан кам ривожланади;
- нисбий хавф > 1 : 1-тип ҚДнинг асосий гуруҳида стоматологик касалликлар таққослаш гуруҳига нисбатан кўп ривожланган.

1-тип қандли диабет билан оғриган болаларда стоматологик касалликлар ривожланиши хавфи омиллари, %

Хавф омили		1-АГ, n=400	2-АГ, n=400	1-ТГ, n=400	2-ТГ, n=400	РР	ИО (%)	X ²
Оилада ҚД	Ҳа	39,0	44,5	9,5	27,75	1,83	95	0,001
	Йўқ	61,0	55,5	90,5	72,25	0,94	95	0,001
Эмлашга реакция	Ҳа	61,5	36,0	26,75	39,0	1,55	95	0,001
	Йўқ	38,5	64	73,25	61	0,68	95	0,001
ЭКД ва атопик дерматит	Ҳа	75,25	52,75	30,75	45,75	1,46	99	0,001
	Йўқ	24,75	47,25	69,25	54,25	0,61	99	0,001
Тез-тез ЎРВИ	Ҳа	78,5	55,5	75,25	61,25	1,06	95	0,001
	Йўқ	21,5	44,5	24,75	38,75	0,83	95	0,001
Тез-тез диарея	Ҳа	83,25	31,0	18,25	25,25	1,73	95	0,001
	Йўқ	16,75	69,0	81,75	74,75	0,37	95	0,001
Сунбий озиклан- тириш	Ҳа	70,75	35,75	52,5	47,0	1,25	95	0,001
	Йўқ	29,25	64,25	47,5	53,0	0,66	95	0,001
Эрта қўшимча овқат	Ҳа	86,75	72,25	37,25	61,0	1,43	95	0,01
	Йўқ	13,25	27,75	62,75	39,0	0,52	95	0,01
Тез-тез стоматит	Ҳа	81,75	53,25	34,5	30,75	1,14	95	0,01
	Йўқ	18,25	46,75	65,6	69,25	0,57	95	0,01
Дисбакте- риоз	Ҳа	93,75	41,5	5,5	9,25	1,85	95	0,001
	Йўқ	6,25	58,5	94,5	90,75	0,18	95	0,001
Оғиз бўшлиғи кандидози	Ҳа	52,5	17	17	29,5	2,06	99	0,001
	Йўқ	47,5	83	83	70,5	0,67	95	0,001
Рухий зўриқиш	Ҳа	62,25	47	10,5	30,25	2,21	99	0,001
	Йўқ	37,75	53	89,5	69,75	0,74	95	0,001
Тишлов аномалия	Ҳа	32,25	66,75	27,75	74,75	1,20	95	0,001
	Йўқ	67,75	33,25	72,25	25,25	0,90	95	0,001
«Сўрғич» кариеси	Ҳа	49,5	36,75	63,75	86	1,34	95	0,001
	Йўқ	50,5	63,25	36,25	14	0,61	95	0,001
Эрта ёш кариеси	Ҳа	81	83,5	36	52,75	1,21	95	0,001
	Йўқ	19	16,5	64	47,25	0,93	95	0,001
Гельмин- тоз	Ҳа	43,75	39	14,75	16,25	1,11	95	0,001
	Йўқ	56,25	61	85,25	83,75	0,95	95	0,001

Беморнинг оила ва ҳаёт анамнези қиёсий хусусиятлари 1-тип ҚД билан оғриган болаларда стоматологик касалликлар ривожланиши учун хавф омилларининг ролини аниқлашга имкон беради.

Олинган натижалар асосида стоматологик касалликлар ривожланиши учун хавф омиллари учраш частотасини баҳолаш куйидагича белгиланди:

- 1-тип ҚД ривожланиши учун агрессив хавф омиллари: рухий зўриқиш (КН - 2,21, ИО - 99%, $P < 0,001$), оғиз бўшлиғи кандидози (КН - 2,06, ИО - 99%, $P < 0,001$), оилада ёки ота-онада ҚД (КН - 1,83; ИО - 95%, $P < 0,001$), ичак дисбиози (КН - 1,85; ИО - 95%, $P < 0,001$), анамнезида диарея (КН - 1,73; ИО - 95%, $P < 0,001$);

- ҚДнинг 1-типи билан оғриган болаларда вакцинацияга реакция бўлиши стоматологик касалликлар ривожланиши учун юқори хавф омили бўлиб ҳисобланади (КН - 1,55; ИО - 95%, $P < 0,001$), ЭҚД ва атопик дерматит - охирги 3 ойда (КН - 1,46; ИО - 95%, $P < 0,001$), эрта озиклантиришга ўтиш (КН - 1,43; ИО - 95%, $P < 0,001$), сунъий озиклантириш - охирги 3 ойда (КН - 1,25; ИО - 95%, $P < 0,001$).

Натижалар асосида 1-тип ҚД бор болага тавсиялар ишлаб чиқилган:

- анамнезида тез-тез ЎРВИ ва стоматитлар, прикус аномалиялари ва гельминтоз каби хавф омиллари мавжуд бўлса педиатрда даволаниш, келгусида эндокринолог, иммунолог мутахассислари кўригини тавсия этиш, календар бўйича иммунизация, ЎРВИ профилактикаси, дегелминтизация ва келгусида беморни даволаш режасини белгилаб олиш тавсия этилган;

- эмлашга реакция, ЭҚД ва атопик дерматит, сунъий озиклантириш, эрта кўшимча озиклантиришга жалб этиш, эрта ёшдаги кариес каби хавф омиллари бўлган тақдирда - иммунолог, педиатр, стоматолог томонидан даво ва эндокринолог томонидан назорат тавсия этилган;

- ота-онасида ёки оиласида ҚД мавжуд бўлса, рухий зўриқиш, дисбиоз, диарея ва оғиз бўшлиғи кандидози каби хавф омиллари бўлган тақдирда – стоматолог томонидан даво, эндокринолог назорати ва зарур бўлганда гастроэнтеролог, педиатр каби мутахассислар кўриги тавсия этилган.

Шундай қилиб, хавф омилларини ўрганиш ва клиник ва анамнестик параметрларни комплекс баҳолаш 1-тип диабетга чалинган болаларда тиш касалликларини эрта ташхислаш имконини берган. 1-тип ҚДга чалинган болаларда тиш касалликлари ривожланишининг хавф омиллари дастлабки профилактика тадбирларини режалаштириш, ушбу тоифадаги беморларга ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш учун асос бўлиб хизмат қилган.

1-тип ҚД бор болаларда стоматологик касалликлар мавжуд бўлган тақдирда асосий касалликнинг бошланишидан олдин ва хуружи даврида уларни даволаш узлуксизлигини таъминлаш мақсадида интерфейс жадвалига мос ҳолда ҚД ва стоматологик касаллиги бор болаларни даволашда профилактик тадбирларни белгилаб олиш учун алгоритм ишлаб чиқилган.

Бирламчи текширишнинг анамнестик, клиник, лаборатор маълумотларига асосланиб, бу туркумдаги беморларни комплекс бошқаришда узлуксизликни таъминлаш ва стоматолог, ҳамда эндокринологлар учун келгусида даволаш чора-тадбирларини белгилаб олиш мақсадида услубий қўлланма ва алгоритм ишлаб чиқилди.

Амалиётда ушбу ишлаб чиқилган алгоритмдан фойдаланган ҳолда эндокринолог ва стоматолог 1-тип диабетга чалинган болаларнинг ҳаёт

сифатини яхшилашга қаратилган профилактика чораларини ўз вақтида қўллаш олади ва амалга ошириши мумкин.

Ишлаб чиқилган алгоритмнинг афзалликлари шундаки, унинг амалиётга татбиқ этилиши диабетга чалинган беморларни амбулатория ва бир вақтнинг ўзида стационар шароитда даволаш босқичларида биргаликда бошқаришга ёрдам беради. Уни амалда қўллаш педиатр, иммунолог, гастроэнтеролог ва стоматологлар томонидан диабетга чалинган болаларни бошқариш ва даволашга янгича ёндашишга имкон беради.

Ишлаб чиқилган алгоритмга асосланган ҳолда 1-тип ҚД билан оғриган болаларда стоматологик касалликлар ривожланишини олдини олиш дастурини мутахассислар иш фаолияти давомида амалиётда қўллаш тиббий хизмат сифатини яхшилаган, касалликни эрта ташхислаш ва камайтириш имконини берган.

Шундай қилиб, ишлаб чиқилган алгоритм ҚДга чалинган беморларни амбулатория диагностикаси босқичида ҳам, ушбу тоифадаги беморларни стационар даволаш босқичларида ҳам биргаликда олиб боришга ёрдам берган. Амалиётда уни қўллаш педиатр, гастроэнтеролог ва стоматологлар томонидан ҚД га чалинган беморларни олиб бориш ва даволашга янгича ёндашишга имкон яратган. Ушбу алгоритм 1-тип ҚДга чалинган беморларни олиб боришда улар ҳаёт сифатини яхшилаш, касалланиш ва ногиронликни камайтириш билан бирга, стоматологик ва эндокринологик хизматларнинг сифатини оширишга ёрдам берган.

Диссертациянинг тўртинчи бобида **«1-тип кандли диабет билан оғриган болаларда стоматологик касалликларни эрта ташхислашда саливатор цитокинлар аҳамияти»** 1-тип ҚД га чалинган болаларда яллиғланишни қўлловчи, яллиғланишга қарши цитокинларни аниқлаш ва баҳолашга қаратилган маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотларда 1-тип ҚДга чалинган 518 нафар бемор назоратга олинган. Барча беморлар Бухоро вилоят эндокринологик диспансерида стационар ётиб даволанган беморлар бўлган. Тиш-жағ тизимининг тузилиши ва оғиз бўшлиғи маҳаллий химоя омилларини ҳисобга олган ҳолда ҚД билан оғриган болалар 3 гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳни 30 нафар 3-5 ёшгача сут тишлови билан; 2-гуруҳни 133 нафар 6-11 ёшгача аралаш тишлов билан; 3-гуруҳни 355 нафар 12-17 ёшгача доимий тишлов билан беморлар ташкил этган. Таққослаш гуруҳини 35 нафар соғлом болалар ташкил қилган.

Барча соғлом ва бемор болаларда сўлакдаги цитокинлар (IL-1β, IL-4, IL-18, INF-γ) миқдори аниқланган. Саливатор цитокинларни ўрганишда касалликка коморбидлик хусусиятдан келиб чиқиб, ёндош касалликлари мавжуд бўлган ва ёшга боғлиқ ҳолда иммун тизими ҳолатини ҳисобга олиш нуқтаи назардан ёндошилган.

Тадқиқотларда сўлакдаги IL-1β миқдори назорат гуруҳига нисбатан ошгани кузатилган (ўртача $34,5 \pm 1,8$ пкг/мл): 1-гуруҳда 1,98 мартага - ўртача $68,2 \pm 1,2$ пкг/мл гача ($P < 0,001$), 2-гуруҳда 3,09 мартага - ўртача $106,5 \pm 2,3$ пкг/мл гача ($P < 0,001$), 3-гуруҳда 2,5 мартага - ўртача $86,4 \pm 1,5$ пкг/мл гача ($P < 0,001$). Бу кўрсаткичлар 1-тип ҚД фонида болаларда стоматологик касалликларнинг ўткир босқичи кечаятганидан дарак беради (2-жадвал).

**Қандли диабет ва стоматологик касалликлари мавжуд болалар сўлагида
citoкинлар концентрацияси (M±m)**

Цитокинлар	Назорат гуруҳи, n=30	1-гуруҳ, n=30	2-гуруҳ, n=32	3-гуруҳ, n=35
IL-1β, пкг/мл	34,5±1,8	68,2±1,2* ↑	106,5±2,3* ↑	86,4±1,5* ↑
IL-4, пг/мл	8,1±0,3	6,8±0,5* ↓	6,8±0,6* ↓	6,9±0,5* ↓
IL-18, пг/мл	35,3±4,7	55,5±5,0* ↑	83,9±6,8* ↑	101,1±5,1* ↑
INF-γ, пкг/мл	21,8±1,2	9,8±1,5* ↓	16,3±1,4* ↓	19,2±1,8 ↓

Изоҳ: * - назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан фарқлар (P<0.05 - P<0.001).

Аниқланган IL-4 яллиғланишга қарши цитокин сифатида танилган бўлиб, Т-лимфоцитлар томонидан ишлаб чиқарилади. IL-4 яллиғланишга қарши таъсири макрофаглар фаоллигини бостиришда ва IL-1β нинг секрециясини камайтириш билан намоён бўлади, шунингдек ўсма некрози фактори (INF-γ) ва IL-6 ҳам.

1-тип ҚД билан оғриган беморларда цитокин статуси ўрганилганда, стоматологик касалликларда ёшга боғлиқ бўлмаган ҳолда IL-4 кўрсаткичининг сезиларли даражада пасайганлигини кўрсатган. Шунингдек, ҚДга чалинган беморлар сўлагидаги иммунологик ўрганиш натижалари таҳлил қилинганда барча гуруҳларда IL-4 даражасининг етарлича сезиларли пасайишга мойиллигини кўрсатган. Сўлакдаги IL-4 миқдорининг пасайиши сут тишлови билан бўлган болаларда (1-гуруҳ) ўртача 6,8±0,5 пг/мл га қадар; аралаш тишлов билан бўлган болаларда (2-гуруҳ) ўртача 6,8±0,6 пг/мл гача ва доимий тишлов билан бўлган болаларда (3-гуруҳ) ўртача 6,9±0,5 пг/мл гачани (ўртача кўрсаткичлар 8,1±0,3 пг/мл) ташкил этган. Натижада, 1-тип ҚДга чалинган болалар сўлагида IL-1 миқдори ошиши фонида IL-4 контцентрациясининг пасайиши организмнинг маҳаллий яллиғланишга қарши таъсирининг пасайганлигини кўрсатган.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, IL-18 сут тишлови бўлган болаларда 1,57 мартага (55,5±5,0 пг/мл, P<0,001); аралаш тишлов билан бўлган болалар гуруҳида 2,38 мартага (83,9±6,8 пг/мл, P<0,001); доимий тишлов бўлган болаларда эса 2,86 мартага (101,1±5,1 пг/мл, P <0,001) назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан (35,3±4,7 пг/мл) ошган. Шу билан бирга, ўзига хос клиник-иммунологик характерга эга бўлган: 1-тип ҚД билан оғриган болаларда ёшга ва тишловга боғлиқ ҳолда диабетоген цитокин - IL-18 нинг ошиши кузатилган. Саливатор цитокиннинг бундай хусусияти ҚДнинг стоматологик касалликлар билан алоқасини кўрсатади ва оғиз бўшлиғи касалликларини эрта олдини олиш дастурини ишлаб чиқиш зарурлигини исботлайди.

1-тип қандли диабет билан оғриган беморлар сўлагида INF-γ миқдорининг кескин камайиши кузатилган: 1-гуруҳ беморларда назорат гуруҳига нисбатан 2,22 мартага (9,8±1,5 пкг/мл, P<0,001), 2-гуруҳ беморларда 1,34 мартага (16,3±1,4 пкг/мл P<0,001), назорат гуруҳига нисбатан (21,8±1,2 пкг/мл) пасайиш билан намоён бўлган. Доимий тишлов

билан бўлган болалар гуруҳида эса INF-γ миқдорининг сезиларсиз пасайиши кузатилган.

Олинган натижалар клиник ва иммунологик жиҳатдан таҳлил килинганда, бемор ёши, тишловга ва касалликнинг клиник кечишига қараб цитокинлар синтезининг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлган.

Шундай қилиб, 6-17 ёшдаги 1-тип қандли диабет билан оғриган болалар оғиз бўшлиғининг яллиғланиш касалликлари маркёрлари бўлиб IL-1 ва IL-18 цитокинлари, 3 ёшдан 11 ёшгача эса болалар организми химоя реакцияси информация кўрсаткичи - INF-γ цитокини ҳисобланган. Аниқланган маълумотлар исботланган, илмий асосланган ва ушбу тоифадаги беморларни ёшига қараб эрта ташҳис қўйиш ва даволашга индивидуал ёндошиш зарурлигини тасдиқлайди.

ҚД билан оғриган болаларга эрта ташҳис қўйиш мақсадида сўлакдаги цитокинлар гуруҳини ўрганиш ва эндокринологик тиббий марказлар базасида болалар стоматолог хонасини ташкил этиш, касалликларни вақтида аниқлаш, олдини олиш, профилактика ишларини ташкил этиш каби чора-тадбирлар стоматолог билими ва унинг ҚД билан касалланган беморларни олиб бориш тажрибасини оширишга ёрдам берган. Буларнинг барчаси ҚД га чалинган болаларда тиш касалликларини эрта олдини олишга хизмат қилган ва тиббий хизмат сифатини оширган, шунингдек, тиш касалликларини эрта аниқлаш ва камайтиришга имкон берган.

Стоматологик касалликлар патогенезида биокимёвий механизмларнинг ахамияти ва ролини ўрганиш мақсадида 6-11 ёшли беморларда қоннинг биокимёвий параметрлари қиёсий таққосланган. Бунда ҚД билан оғриган ҳамда тиш кариеси мавжуд 43 нафар бемор, сурункали периодонтит билан касалланган 38 нафар ва катарал гингивит билан касалланган 45 нафар бемор (жами 126 нафар бемор) олинган. Назорат гуруҳи ушбу ёшдаги 30 нафар соғлом боладан иборат бўлган.


Олинган натижалар шуни кўрсатдики, 1-тип ҚД билан касалланган беморлар қонида биокимёвий параметрларнинг турлича ўзгариши аниқланган. 6-11 ёшли болаларда стоматологик касалликларнинг намоён бўлишига қараб кариес, сурункали периодонтит ва гингивитда қоннинг барча биокимёвий кўрсаткичлари ошиши кузатилган.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, қондаги мочевина миқдори катарал гингивитда $9,5 \pm 1,3$ мкмол/л гача ошган, бу назорат гуруҳи кўрсаткичларига ($7,8 \pm 0,7$ мкмол/л) нисбатан ишонарли ($P < 0,05$). Жигар ферментларидаги сезиларли ўзгаришлар барча аниқланган стоматологик касалликлар - тиш кариеси, сурункали периодонтит ва сурункали гингивитда қайд этилган.

Беморлар қонида аланинаминотрансфераза (АЛТ) концентрациясининг сезиларли даражада пасайиши кариесда $21,0 \pm 1,2$ ммол/л гача; сурункали периодонтитда $54,6 \pm 1,3$ ммол/л га кўтарилиши билан намоён бўлган, шунингдек, катарал гингивитда ҳам унинг миқдори ($44,7 \pm 1,9$ ммол/л гача) назорат гуруҳига ($32,4 \pm 0,5$ ммол/л) нисбатан ошган. Худди шу ўсиш тенденцияси қонда аспартатанинотрансферазага (АСТ) бўйича ҳам

кузатилган. Бунда текширилган барча беморларда вирусли гепатитнинг С ва В шакллари мавжудлиги инкор қилинганлигини таъкидлаш зарур.

Жигар ферментларининг аниқланган бу каби ўзига хос ўзгаришлари жигар тўқималарининг бевосита жигарга алоқадор бўлмаган касалликларига жавоб реакциясидан далолат берган (1-расм).



1-расм. 1-тип қандли диабет ва стоматологик касалликлар аниқланган болаларда қоннинг биокимёвий қисий кўрсаткичлари

С-реактив оқсил (СРО) миқдорининг назорат гуруҳига нисбатан 3,2 мартага ошиши ҚД ва тиш карнеси, 4,5 мартагача ошиши ҚД ва сурункали периодонтит, 5,5 мартага ошиши эса ҚД ва катарал гингивит ташхисланган беморларда кузатилган ($P < 0,001$). Шунинг учун қонда СРО кўрсаткичининг ошиши яллиғланиш жараёни ва тиш тўқималари зарарланиши фаоллигидан дарак берган. 1-тип ҚДга чалинган бемор болаларнинг клиник ва биокимёвий ҳолатини баҳолашда қонда СРО кўпайганлиги кам намоён бўлган оғрик синдроми ва бактериал инфекция қўшилиши каби клиник аломатлар билан бирга кечиши мумкинлигини инобатга олиш керак.

ҚД билан оғриган болаларда стоматологик касалликлар мавжуд бўлган ҳолатда улар қонида антистрептолизин О (АСЛ-О) миқдорини ўрганиш ҳам алоҳида қизиқиш уйғотган. Маълумки, АСЛ-О бу стрептолизин О ферментига қарши антитело бўлиб, А гуруҳига мансуб β-гемолитик стрептококклар (*Streptococcus pyogenes*) томонидан ишлаб чиқарилади. Ушбу кўрсаткичнинг ошиши организмнинг стрептококк антигенларига сезгирлигидан дарак беради. Максимал диагностик ва прогностик маълумотларга эга бўлиш учун кетма-кет ўрганишлар натижасида олинган кўрсаткичлар ахамиятлидир (1 ҳафта оралиғида). АСЛ-О титрининг баланд бўлиши стрептококк ташувчи соғлом одамларда ҳам кузатилади. Текширилаётган барча гуруҳларда АСЛ-О миқдори ошган, бу оғиз бўшлиғида инфекция мавжудлиги ҳақида маълумот берган. Шундай қилиб, болаларда 1-тип ҚД фонидида тиш карнеси мавжуд бўлганда АСЛ-О

кўрсаткичи $7,7 \pm 1,4$ бирликни ташкил этиб, назорат гуруҳига нисбатан ($3,72 \pm 1,3$ бирлик) 2 мартага кўпайиши аниқланган, сурункали периодонтитда бу кўпайиш $13,3 \pm 0,8$ бирликкача ошган бўлса, сурункали гингивитда $8,8 \pm 1,5$ бирликкача ишонарли кўтарилган ($P < 0,001$). Бинобарин, 1-тип ҚДга чалинган болаларда тиш касалликлари стрептококк сезгирлиги билан юзага келган ва натижалар метаболик жараёнлар бузилишини кўрсатган.

Қандли диабетга чалинган ва стоматологик касалликлари мавжуд болалар қонида аниқланган биокимёвий ўзгаришлар тишларнинг эрта йўқотилиши эҳтимоли юқори эканлиги, кейинчалик тиш қатори нуқсонлари оқибатида иккиламчи адентия юзага келиши мумкинлиги ҳақида маълумот берган. Ёш ўтиши билан шу туркумдаги беморларда дистопия, тишлов аномалиялари ва тиш-жағ қатори деформациялари каби ортодонтик муаммолар келиб чиқиш хавфи ошади. Юқоридагиларнинг барчаси ҚД билан оғриган болалар ҳаёт сифатига салбий таъсир қилади.

Гипергликемия диагностикаси ва назоратини кучайтириш ҳамда ҚДга чалинган болаларга стоматологик ёрдам сифатини яхшилаш учун тиш касалликлари билан оғриган беморларни текшириш алгоритмига қонда глюкоза миқдорини скрининг қилишнинг содда ва қулай усули тавсия қилинган.

Диссертациянинг бешинчи боби «**1-тип қандли диабетга чалинган болаларда тиш касалликларида иммуно-биокимёвий кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик**» хусусиятларига бағишланган бўлиб, бунда иммуно-биокимёвий кўрсаткичлар стоматологик кўрсаткичлар билан ўзаро корреляция қилинган.


Маълумки, корреляцион таҳлил юқори аниқлик ва аҳамият касб этиб, инвазив бўлмаган диагностик манипуляцияларни ўтказишда муҳим ҳисобланиб, бир кўрсаткични билган ҳолда бошқа кўрсаткичнинг қийматларини аниқлаш имконини беради. Ўрганилган гуруҳ беморларининг ёшига боғлиқ ҳолда, қон ва сўлак кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш қизиқиш уйғотган. Тадқиқотларда 1-гуруҳда (сут тишлови билан) иммуно-биокимёвий кўрсаткичларнинг стоматологик кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлик хусусиятлари аниқланган.

Қонда глюкоза даражаси ва IL-4 ўртасида ўртача манфий боғлиқлик аниқланган - $\rho = -0,50$ (2-расм).

Иммунологик параметрларнинг стоматологик кўрсаткичлар билан боғлиқлигини ўрганиш IL-4 ва РМА ($\rho = 0,89$) ўртасида юқори мусбат боғлиқлик мавжудлигини, IL-18 нинг РМА билан ўртача манфий боғлиқлик ($\rho = -0,35$) ва ИГР ($\rho = -0,41$), IL-4 ва КИД ўртасидаги ўртача мусбат боғлиқлик ($\rho = 0,31$) ва INF- γ нинг СРО билан ўртача мусбат боғлиқликка эга ($\rho = 0,35$) эканлиги аниқланган.

Тадқиқот натижалари ва ўрнатилган боғлиқликлар шуни кўрсатадики, 1-тип ҚДга чалинган болаларда гипергликемия макрофагларнинг яллиғланиш фаоллигини ошириб, яллиғланишни қўлловчи цитокинлар синтези билан бирга стоматологик касалликлар, аниқроғи гингивит ривожланиши учун шароит яратган. Ушбу хулоса текширилган гуруҳдаги беморларда қондаги глюкоза билан РМА индекслари ўртасида ўртача манфий боғлиқлик

мавжудлиги билан исботланган. Шу билан бирга, қондаги глюкоза миқдори билан IL-18 ўртасида юқори мусбат боғлиқлик кузатилган ($\rho=0,65$). Тадқиқотда аниқланган қондаги глюкоза миқдори билан IL-18 нинг юқори мусбат боғлиқлиги ($\rho=0,65$) муаллифларнинг IL-18 нинг диабетогенлиги тўғрисидаги фикрларини тасдиқлаган, уларнинг сут тишлови ҳосил бўлиши дастлабки даврдан бошланиши кўрсатилган.




2-расм. Қандли диабет билан оғриган 3-5 ёшли болаларда иммуно-биокимёвий кўрсаткичларнинг стоматологик параметрлар билан ўзаро корреляцияси

Иммуно-биокимёвий кўрсаткичларнинг стоматологик кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлиги вақтинчалик тишлов билан бўлган болаларда қондаги глюкоза ва сўлакдаги IL-4 нинг ($\rho=0,43$) PMA индекси ($\rho=0,35$) билан ўртасидаги ўртача мусбат боғлиқликни кўрсатган. Шу билан бирга, қондаги мочевино билан ТТК орасида ($\rho=-0,36$), қондаги АСТ билан сўлакдаги IL-1 ($\rho=-0,35$) орасида ўртача манфий боғлиқлик борлиги аниқлаб берилган.

Аниқланган корреляцион боғлиқликлар 6-11 ёшдаги болаларда 1-тип ҚД да биокимёвий ўзгаришларга жавобан оғиз бўшлиғи маҳаллий ҳимоя омилларининг фаоллашуvidан далолат берган (3-расм).


Иммуно-биокимёвий параметрлар ва тишловга қараб стоматологик кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион боғлиқликнинг ёшга нисбатан хусусиятлари қизиқиш уйғотган. 12-17 ёшдаги доимий тишлов билан бўлган бемор болаларда глюкозанинг IL-4 ($\rho=0,60$) ва КИД ($\rho=0,52$) билан ўзаро мусбат юқори боғлиқлик борлиги аниқланган, шунингдек ўртача IL-4 ва КИД орасидаги мусбат боғлиқлик борлиги кузатилган ($\rho=0,51$). Бундай ҳолатда сўлак таркибидаги INF-γ қондаги АСТ билан манфий боғлиқлик берган ($\rho=-0,48$). Доимий тишлов билан бўлган болаларда бошқа ёш гуруҳи беморларидан фарқли ўлароқ, сўлакнинг диабетоген цитокини IL-18 нинг

РМА ($\rho=0,48$) ва КПИ ($\rho=0,38$) билан ўртача мусбат боғлиқлик билан намоён бўлган (3-расм).



3-расм. Қандли диабет билан оғриган болаларда (6-11 ёш) иммунологик ва биокимёвий кўрсаткичларнинг стоматологик кўрсаткичлар билан ўзаро корреляцияси

IL-18 ning хужайравий иммунитет фаоллиги хусусияти борлиги ҳамда цитокинга нисбатан яллиғланиш касалликларига потенциал протектив активлигини ҳисобга олган ҳолда шу цитокин миқдорини аниқлаш қизиқиш уйғонган. Иммуно-биокимёвий кўрсаткичлар стоматологик параметрлари билан ўзаро корреляциясида аниқланган маълумотлар IL-18 цитокини таъсирида пародонт тўқимасининг яллиғланиш даражаси ва организмнинг бактериал ва вирусли инфекцияга жавоб реакциясини кўрсатган.



4-расм. Қандли диабет билан оғриган болаларда (12-17 ёш) иммунологик ва биокимёвий кўрсаткичларнинг стоматологик параметрлар билан ўзаро корреляцияси натижалари

Барча ёш гуруҳларида кариес интенсивлиги ўртача кўрсаткичлар даражасида бўлган. Сут тишлови бўлган болаларда КПИ периодонтит хавфи даражасида бўлган. Бола ёши катталашishi билан 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган даврда КПИ нинг энгил даражаси аниқланган.

3 ёшдан 11 ёшгача бўлган сут ва вақтинчалик тишлов билан бўлган болалар оғиз гигиенаси индекси «ёмон» кўрсаткичи ($33,3 \pm 0,20$) кўрсатган, бу эса тишларни мунтазам тозалаб туриш кўникмасининг етишмаслигидан дарак берган.

12-17 ёшдаги гуруҳ беморларда оғиз бўшлиғи кўрсаткичи стоматологик текширувда нисбатан «қониқарли» ($1,6 \pm 0,10$) бўлди. ТТК кўрсаткичлари сут тишлов билан бўлган болаларда «яхши» натижани берган. Шу билан бирга, ушбу тоифадаги беморларда доимий окклюзиянинг бошланиши билан (6-17 ёшда) тиш тошлари кўрсаткичи «қониқарли» натижага ўтиши аниқланган.

Биобарин, олинган клиник, иммунологик ва биокимёвий кўрсаткичлар орасидаги боғлиқликлар асосида 1-тип ҚД га чалинган болаларда ҳам, соғлом болаларда ҳам оғиз гигиеник ҳолатига эътибор қилмаслик натижасида хавф пайдо бўлиши исботланган.

Шу нуқтаи назардан, оғизни парвариш қилишнинг аҳамияти мактабларда ҳам, диабетга чалинган беморларни кузатишда ҳам тишларни мунтазам равишда тозалаб туриш мажбурий бўлиши ва болаларда оғиз бўшлиғи ҳолатига доимий эътибор қаратиш одатини сингдириш керак. Пародонт касалликларининг, шунингдек ҚД нинг бошқа асоратларини олдини олиш учун беморга ва унинг оиласига оғиз бўшлиғи гигиенаси нечоғлик аҳамиятли эканлиги тўғрисида маълумот бериш лозим бўлади.

Касалликнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини, болалардаги ҚД нинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган патология эканлигини ҳисобга олиб, ушбу тоифадаги беморларни стоматологлар билан биргаликда бошқариш мақсадга мувофиқ. 1-тип ҚД га чалинган бемор болаларни даволашни оптималлаштириш ва олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқиш учун ҳар бир даволаш ва стоматологик муолажа, шунингдек ҚД касаллиги билан касалхонага ётиб, даволаниш учун кетадиган харажатлар ҳисоблаб чиқилган. Харажатларнинг таҳлили натижада фойда / фойда нисбатига олиб келган.

Мавжуд диагностика ва даволаш стандартларига мувофиқ тиш кариесини даволаш учун молявий харажатларни ҳисоблаш сурункали периодонтитни даволаш пайтида (битта тишни мисол қилиб олганда) умумий харажатлар 10 860 сўмни ташкил этган, 3 марта ташриф буюриш учун ўртача 82 600 сўм сарфланган.

Маълумки, периодонтит билан бир вақтнинг ўзида максимал 3-4 та тиш зарарланиши мумкин. Демак, 1-тип ҚДга чалинган болаларда тиш кариесини ўз вақтида даволаш ва олдини олиш ҳамда стоматологлар амалиётида стоматологик касалликларнинг олдини олиш бўйича таклиф қилинган дастурдан фойдаланиш натижасида ҳар бир беморга ўртача 330 400 сўм тежаш мумкин. 1-тип ҚДга чалинган бемор болалар учун ўқув режаси бўйича профилактика ишларини олиб бориш ҳам болаларда тиш касалликлари билан касалланиш ва асоратларни камайтиришга ёрдам берган.

Диссертациянинг олтинчи боби «1-тип қандли диабет билан касалланган стоматологик касалликлари мавжуд болаларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш» га бағишланган.

Ҳаёт сифати боланинг жисмоний, психологик ва ижтимоий фаолиятининг ажралмас хусусияти бўлиб, унинг субъектив идрокига ёки боланинг яқин атрофидаги ота-оналар ёки бошқа шахсларнинг субъектив идрокига асосланади. Маълумки, стоматологик ҳолат одамнинг ҳаёт сифатига бевосита таъсир қилади. Тишларнинг йўқотилиши, кариес ва унинг асоратлари, пародонт касалликлари ва сифатсиз тайёрланган протезлар бу каби беморларда чайнаш функцияси бузилишининг асосий сабаблари ҳисобланади. Бу каби эстетик нуқсонлар беморни атрофдагилари билан алоқасини мураккаблаштиради.

Стоматологик касалликлар билан касалланган 1-тип ҚД га чалинган беморлар ҳаёт сифатига баҳо бериш учун, уларни ўрганиш жараёнида ота-оналарни жалб қилган ҳолда, тадқиқот гуруҳидаги беморларнинг ҳаёти ва касаллик тарихи диққат билан ўрганилган. Тишларни даволаш ва профилактик тадбирларни ўтказгандан сўнг, уларнинг ота-оналарига болаларда оғиз бўшлиғини парвариш қилиш, шу жумладан тиш тозалагич ва тиш пасталаридан фойдаланиш бўйича тавсиялар берилган.

Динамик кузатув жараёнида болаларнинг стоматологик ҳолатини чуқур ўрганиш 6 ва 12 ойдан сўнг амалга оширилган. Тадқиқот гуруҳига ёндош касалликлари ва бошқа эндокринологик касалликлари мавжуд болалар киритилмаган.

Тадқиқотда 490 нафар бемор иштирок этган, улар 4 та гуруҳни ташкил этган: I-гуруҳ - чуқур кариес билан беморлар (230 нафар); II-гуруҳ - сурункали периодонтит билан беморлар (130 нафар); III-гуруҳ - катарал гингивит билан беморлар (110 нафар); IV-гуруҳ (назорат гуруҳи) пародонтал касалликнинг клиник ифодаланган белгилари бўлмаган болалар (20 нафар).

Ҳаёт сифатининг стоматологик кўрсаткичи сўровнома ва беморнинг стоматологик ҳолатини тиббий баҳолаш орқали аниқланган.

Сўровнома 16 саволдан иборат бўлган, ҳар бир савол учун 5 та жавоб варианты мавжуд бўлиб, улар 0 дан 4 гача бўлган балл билан баҳоланган, агар оғиз бўшлиғининг ҳолати, беморнинг фикрига кўра, ҳаёт сифатига таъсир қилса, жавоб 4 балл билан баҳоланган. Барча саволлар учун максимал балл 64 га тенг бўлса, демак, тиш ҳолатининг ҳаёт сифатига салбий таъсири бор, деб топилган. Минимал балл, тиш таъсирининг салбий таъсири эҳтимоли тўғрисида объектив маълумотлар йўқлигини аниқлаган.

Тадқиқотда ОНІ-S индекси 1,6 дан 3,34 гачани ташкил қилган, ушбу стоматологик кўрсаткич бўйича олинган натижа «қониқарсиз» ва оғиз гигиенасининг «ёмон» лигини кўрсатган.

КПИ индексига кўра, бир гуруҳдан иккинчисига ўтишда периодонтал касалликларнинг интенсивлиги ҳам ошган. КПИ индексининг гуруҳлар бўйича ўртача кўрсаткичлари: $0,47 \pm 0,03$, $1,7 \pm 0,16$, $1,4 \pm 0,13$ ва $0,3 \pm 0,1$ ни ташкил қилган. Ушбу қийматлар пародонт касалликларининг ўртача даражадаги оғирлигини кўрсатган. Бир гуруҳдан иккинчисига ўтиш даврида тиш кариеси интенсивлиги (ва унинг асоратлари) 18% дан 84% гача ташкил

қилган. Тишлар йўқотилиши кўрсаткичлари ҳам худди шундай - 12% дан 85% гача хусусият касб этган.

Ҳаёт сифатининг стоматологик кўрсаткичи даражаси индексининг таҳлили шуни кўрсатдики, болаларнинг 67% тишлари ҳолати туфайли табассум қилишдан уялишган, 23% дан 78% гача ҳолатда оғиз бўшлиғидан ёқимсиз хиддан тортинишган, юз тузилишидан «норозилик» эса беморларнинг 23% ида аниқланган. Энг юқори даража кўрсаткичлари сурункали периодонтит билан бўлган беморларда аниқланган.

Шундай қилиб, тишлар овқатланиш сифатининг асосий ҳал қилувчи омили бўлиб, инсон ҳаётида эстетик функцияни бажарибгина қолмай, балки тиш ва умумий саломатликнинг асосий манбаи ҳисобланади. Тишларнинг йўқлиги овқат қабул қилиш ва чайнаш функцияларини чеклашига олиб келган.

1-тип ҚДга чалинган ҳамда тишсиз ёки тишлари қимирлаб қолган болалар, ҳатто парҳезли овқатларни ҳам истеъмол қилиш имкониятидан маҳрум бўлишади. Натижада оқсил ва витаминлар етишмаслиги, чайнаш функцияларининг бузилиши кабилар аста-секин ривожланиб боради, сўлак безлари фаолияти ва оғиз бўшлиғининг ўз-ўзини тозалаш функцияси кескин бузилади, баъзида асосий касалликнинг аутоиммун тизим касалликларига ўтиб кетиши кузатилади.

Тишлар ҳолати ва ҳаёт сифатини баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган сўровномада болалар ва ота-оналар тўлдириши учун алоҳида шакллар мавжуд. Ушбу анкета ҳаёт сифатини ўрганишнинг умумий воситаси бўлиб, 16 та саволни ўз ичига олган бўлиб, 3 та бўлим билан бирлаштирилган.

Сўровноманинг болалар ва ота-оналар учун мўлжалланган шакллари: жисмоний ва функционал бузилишлар - 5 та савол; ҳиссий фаолият – 1 та савол; ижтимоий фаолият - 3 та савол; боланинг оилавий фаровонлиги - 4 та савол ва молиявий харажатлар - 3 та саволлардан иборат.

Сўровноманинг болалар ва ота-оналар учун мўлжалланган шакллари уларнинг асосий маъноси ва сўровномани тўлдириш усулини сақлаб қолиб, фақат саволларнинг грамматик тузилишларида фарқланади. Баҳолаш 4 балли тизим бўйича амалга оширилади, балл қанча кўп бўлса, боланинг ҳаёт сифати шунча «ёмон» баҳоланади.

6 ойдан кейин тиш ҳолатини ўрганиш бўйича барча ўрганилган гуруҳларда стоматологик кўрсаткичлар яхшиланганлиги кўрсатилган, 6-ойдан кейин 3-гуруҳда 23 нафаридан (21%) болада гингивит, 11 нафаридан (10%) милкнинг яширин яллиғланиши кузатилган. РМА индекси эса олдинги кўрсаткичга нисбатан биров ёмонлашгани кузатилган ($P < 0.05$). 2-гуруҳ болаларда 6 ойдан кейин оғиз бўшлиғи гигиенаси яхшиланган (гигиена индекси $1,5 \pm 0,2$), яллиғланишли периодонтитлар сони сезиларли даражада камайган.

Шундай қилиб, эндокрин касалликларда диагностика қилиш ва даволашнинг мақбул усулларини излаш самарадорлик мезонига айланиши мумкин. Беморни тўлақонли ва нормал ҳаётга қайтиш қобилияти кўп жиҳатдан унинг ҳаёт сифатини кузатишга боғлиқдир.

1-тип ҚДга чалинган беморлар ҳаёт сифатини баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган сўровномани умумтаълим мактаблари ва мактабгача тарбия муассасаларида амалга ошириш учун тавсия этилган, бу эса таълим муассасаси стоматологининг иш самарадорлигини оширади, болалар ҳамда улар ота-оналари орасида оғиз гигиенаси дарсларини ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

1-тип ҚД га чалинган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш учун 3 ой давомида ҳафтасига 3 марта «Соғлом тиш - соғлом кун» дарслари ташкил этилган. Махсус ишлаб чиқилган ва модификацияланган сўровнома (4 балли тизим бўйича) бўйича ҳаёт сифатини баҳолаш дарслар тугашидан олдин ва кейин амалга оширилган. Кўнгилочар ўйинлар билан бир қаторда оғиз гигиенаси сабоқлари ва оғизни парваришлаш бўйича амалий кўникмалар ўргатилган.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида оғиз бўшлиғини парвариш қилиш орқали ҳаёт сифатини яхшилаш, шунингдек амалий кўникмаларни эгаллашда ижобий натижаларга эришилган.

Болаларни, шу жумладан ҚД билан касалланган беморларни динамик кузатиш жараёнида стоматологик ҳолатни ўрганиш шуни кўрсатганки, ота-оналар билан биргаликда профилактика ишлари олиб борилса, болаларнинг тишлари ва оғиз бўшлиғини парвариш қилиш бўйича билим даражасини ошириш нуқтаи назаридан етарли даражада натижага эришилади, пародонт касалликларини олдини олади, яллиғланиш касалликлари камаяди.

ҚДга чалинган болаларда стоматологик кўрсаткичларнинг оптимал даражасига эришиш учун ҳафталик профессионал оғиз гигиенаси сабоқлари талаб қилинган. 1-тип ҚДга чалинган болаларда тиш ҳолати хусусиятларини ўрганиш бўйича ўтказилган клиник тадқиқотлар уларнинг соғлом болаларга қараганда тез-тез пародонтал патология (гингивит, периодонтит) билан оғриганлигини ва уларнинг тиш кариеси интенсив равишда ўсаётганлигини аниқлашга имкон берган.

ҚД га чалинган болаларда тишлар саломатлигини сақлаб қолиш учун тишларни даволаш жараёнида ота-оналарга оғизни парвариш қилиш қоидалари ва болаларда индивидуал оғиз бўшлиғи гигиенаси воситаларини мақбул танлаш бўйича батафсил кўрсатмалар берилиши керак.

Шундай қилиб, стоматологлар амалиётида стоматологик касалликларнинг олдини олиш бўйича таклиф қилинган дастурдан фойдаланиш мумкин бўлган тиш асоратларини олдини олишга, шунингдек ушбу тоифадаги беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам берган ва шу билан бирга касаллик юзасидан ногиронлар учун ижтимоий нафақалар беришда молиявий харажатларни тежаши кўрсатиб берилган.

ХУЛОСАЛАР

1. 1-тип ҚД ривожланиши учун агрессив хавф омиллари бўлиб рухий зўриқиш (КН - 2,21, ИО - 99%, $P < 0,001$), оғиз бўшлиғи кандидози (КН - 2,06, ИО - 99%, $P < 0,001$), оилада ёки ота-онада ҚД (КН - 1,83; ИО - 95%, $P < 0,01$),

ичак дизбиози (КН - 1,85; ИО - 95%, $P < 0,01$) анамнезида диарея (КН - 1,73; ИО - 95%, $P < 0,01$).

2. 1-тип ҚД билан оғриган болалар сўлагиди $INF-\gamma$ миқдорининг кескин камайиши ва $IL-1\beta$, $IL-18$ миқдори ошиши аниқланди. Саливатор цитокинлар ҳисобланган $IL-1\beta$, $IL-18$ лар 6-17 ёшдаги 1-тип ҚДга чалинган болаларда оғиз бўшлиғи яллиғланиш касалликлари маркёрлари эканлиги исботланди. 3 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар организми ҳимоя реакцияси информацион кўрсаткичи бўлиб $INF-\gamma$ цитокини ҳисобланди.

3. Сут тишлови билан бўлган болаларда қондаги глюкоза миқдорининг $IL-18$ билан ($\rho=0,65$) юқори мусбат боғлиқлиги аниқланди, шунингдек $IL-4$ ($\rho=-0,50$) ва РМА ($\rho=-0,53$) билан манфий ўртача боғлиқлик ($\rho=-0,50$), $IL-4$ ва РМА билан ($\rho=0,89$) юқори мусбат боғлиқлик, $IL-18$ нинг РМА билан ($\rho=-0,35$) ва ИГР ($\rho=-0,41$) билан ўртача манфий боғлиқлик, $IL-4$ нинг КИД билан ($\rho=0,31$) ўртача мусбат боғлиқлик борлиги аниқланди. $INF-\gamma$ нинг СРО билан ($\rho=-0,35$) ўртача мусбат боғлиқлиги аниқланди. Аралаш тишлов бўлган болалар гуруҳида қондаги глюкозанинг сўлакдаги $IL-4$ билан ($\rho=0,43$) ўртача мусбат боғлиқлик, РМА индекси билан эса ($\rho=-0,35$) сезиларсиз боғлиқлиги аниқланди. Бунда қондаги мочевина кўрсаткичининг ТТК билан манфий боғлиқлиги ($\rho=-0,36$), шунингдек қондаги АСТ миқдорининг сўлакдаги $IL-1$ ($\rho=-0,35$) билан ҳам худди шундай боғлиқлиги аниқланди.

4. 1-тип ҚД ва стоматологик касалликлар ташҳисланган бемор болаларни олиб бориш учун ишлаб чиқилган алгоритм ушбу туркумдаги беморларни амбулатор диагностика ҳамда стационар босқичларида ҳам биргаликда олиб боришга ёрдам берди.

5. Цитокинодиагностика ҚД билан оғриган болаларда стоматологик касалликларни эрта ташҳислашда ёрдам берди. Ушбу касалликларни ўз вақтида даволаш ва олдини олиш сурункали периодонтит келиб чиқиши хавфини камайтиради, шу билан бирга хар бир тиш учун сарфланадиган 82 600 сўм миқдордаги маблағ тежаб қолинади.

6. Ҳаёт сифатини баҳолаш учун ишлаб чиқилган, модификацияланган сўровнома орқали тадқиқот ўтказиш натижаси шуни кўрсатдики, 67% болалар тишлар қийшиқлиги ҳисобига кулишдан тортинса, 78% болалар оғиздан келадиган бадбўй хиддан тортинишди, 80% болалар эса йўқотилган тишлар ҳисобидаги ноқулайликни қайд этишди.

7. 1-тип ҚД га чалинган болаларда стоматологик касалликлар профилактикаси «Соғлом тиш - соғлом кун» дастурининг 3 ой давомида ҳафтасига 3 марта ўтказилиши орқали амалиётга тадбиқ этилиши эрта ташҳис қўйиш ва ушбу тоифадаги беморларни олиб бориш тактикасини аниқлашга ёрдам берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

КАМАЛОВА ФЕРУЗА РАХМАТИЛЛОЕВНА

**РАЗРАБОТКА И ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОГРАММЫ
ПРОФИЛАКТИКИ ОСНОВНЫХ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИХ
ЗАБОЛЕВАНИЙ У ДЕТЕЙ, СТРАДАЮЩИХ САХАРНЫМ
ДИАБЕТОМ**

14.00.21 - Стоматология

**АВТОРЕФЕРАТ
ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2021

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.2.DSc/Tib428

Докторская выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.bsmi.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу (www.ziyonet.uz).

Научный консультанты: **Иноятов Амрилло Шодиевич**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Абдукадыров Абдусалом Абдукадырович**
доктор медицинских наук, профессор

Шалабаева Клара Зулкарнаевна
доктор медицинских наук, профессор

Муртазаев Саидмуродхон Саидиалоевич
доктор медицинских наук

Ведущая организация: **Санкт-Петербургский государственный
медицинский университет**
(Российская Федерация)

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2021 года в ____ часов на заседании Научного Совета DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 по присуждению ученых степеней при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г. Бухара, проспект А.Навои, дом 1. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru).

С докторской диссертацией (DSc) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за № ____). Адрес: 200118, г. Бухара, проспект А.Навои, дом 1. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2021 года.
(реестр протокола рассылки № ____ от « ____ » _____ 2021 года.)

Ш.Ж. Тешаев
Заместитель председателя Научного совета
по присуждению учёных степеней, доктор
медицинских наук, профессор

Д.Н. Ачилова
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней, доктор
философии (PhD) по медицинским наукам

Н.А. Нуралиев
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению учёных
степеней, доктор медицинских наук,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Исследования последних лет по детской и взрослой стоматологии направлены на выявление и оценку взаимосвязи между здоровьем полости рта и соматическими заболеваниями, в том числе сахарным диабетом. По оценкам специалистов Всемирной Организации Здравоохранения (ВОЗ), «...распространенность диабета во всех возрастных группах во всем мире составляла 2,8% в 2000 году, и как ожидается распространенность увеличится до 4,4% к 2030 году»¹. Состояние здоровья полости рта учитывается при уходе за детьми с сахарным диабетом и включается в группу контроля. Здоровье органов полости рта пациентов оказывает большое влияние на общее состояние их здоровья и развитие болезни, в связи с чем разработка лечебно-профилактических мероприятий по предотвращению стоматологических заболеваний у больных детей сахарным диабетом остается актуальной.

На мировом уровне проводятся исследования по изучению этиопатогенеза, особенностей течения, ранней диагностики, лечения, реабилитации и профилактики сахарного диабета среди больных сахарным диабетом среди различных возрастных групп, в том числе детей. По данным экспертов ВОЗ, «...медицинская пропаганда является наиболее эффективным способом контроля над состоянием больных детей сахарным диабетом, осложненным различными стоматологическими заболеваниями»². Проведение правильных профилактических мероприятий может уменьшить 80% осложнений в качестве заболеваний полости рта у больных сахарным диабетом. Если учесть, что по данным Международной федерации диабета и ВОЗ во всем мире насчитывается более 200 млн. больных сахарным диабетом, то проведение успешного лечебно-профилактического мероприятия приводит не только уменьшению осложнений, но и улучшению качества жизни больных детей.

В нашей стране на сегодняшний день коренное улучшение системы здравоохранения направлено на приведение медицинского обслуживания населения к требованиям мировых стандартов здравоохранения, снижению стоматологических заболеваний у больных сахарным диабетом в различных регионах нашей страны, ставится цель, определяющих ряд задач «...путем повышения эффективности, качества и популярности медицинской помощи, оказываемой населению в нашей стране, а также формирования системы медицинской стандартизации, внедрения высокотехнологичных методов диагностики и лечения, создания эффективных моделей патронажной службы и диспансеризации, поддержки здорового образа жизни и профилактики заболеваний...»³. Эти задачи позволяют повысить уровень оказания современных медицинских услуг, лечения, профилактики осложнений сахарного диабета в виде заболеваний полости рта у взрослых и

¹ World Health Organization. Global report on Diabetes, part 1 global burden of diabetes, 2018.

² Wright JT. The Burden and Management of Dental Caries in Older Children // *Pediatr Clin North Am.* – 2018. - N65(5)/- P. 955-963.

³ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному улучшению системы здравоохранения» от 7 декабря 2018 года.

особенно у детей на новый уровень и улучшить применение современных технологий в оказании качественных медицинских услуг. Одним из важных направлений детской стоматологии является разработка лечебно-профилактических мероприятий по предотвращению осложнений сахарного диабета у детей и тем самым улучшить качество их жизни.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, УП-5590 «О мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» от 20 июня 2017 года, Распоряжении Президента Республики Узбекистан №5274 «Об организации критического изучения и подготовки предложений по кардинальному совершенствованию системы здравоохранения» от 10 мая 2018 года и других, официально принятых нормативно-правовых актах.

Соответствия исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Настоящая диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан. VI. «Медицина и фармакология».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации. Этиопатогенез, особенностей течения, ранней диагностики, лечения, реабилитации и профилактики сахарного диабета у детей посвящены исследования, выполненные в научно-исследовательских центрах и университетах многих странах мира: National and Kapodistrian University of Athens, Zografou, (Greece); University of Copenhagen (Denmark); University of Melbourne (Australia); Institutes of Health, University of Louisville, University of Otago, University of North Carolina, University of California, University of Michigan, University of Washington, Denta Quest Institute, University of Maryland, University of Texas, The Ohio State University, Center for Evidence-Based Dentistry, Science Institute, American Dental Association, American Academy of Pediatric Dentistry, American Association of Public Health Dentistry (USA); Scientific Information, Science Institute, National Institute of Dental and Craniofacial Research, National Peking University, Shanghai Stomatological Hospital, Fudan University, Guangxi Medical University, Northwest Minzu University, Central South University, University of Hong Kong, Dental Disease Control Institute (China); University of Chile; McMaster University (Canada); Курский государственный медицинский университет (РФ); Ташкентский государственный стоматологический институт (Узбекистан).

Разработке средств и методов профилактики стоматологических заболеваний уделялось особое внимание в крупнейших научных центрах мира: University of Hong Kong, Dental Disease Control Institute (China); University of Otago (New Zealand), University of North Carolina, University of California, University of Michigan, University of Washington, DentaQuest Institute, University of Maryland, University of Texas, The Ohio State University

(USA); Center for Evidence-Based Dentistry, Science Institute, American Dental Association, American Academy of Pediatric Dentistry, American Association of Public Health Dentistry (USA); Scientific Information, Science Institute, National Institute of Dental and Craniofacial Research, National Institutes of Health (USA); University of Chile; McMaster University (Canada).

В исследовательских работах государственных медицинских университетов РФ и Беларусь изучены результаты гигиенического воспитания и обучения детей и родителей в профилактике стоматологических заболеваний данной категории. Показана роль родителей в выполнении индивидуальных программ профилактики гингивита и пародонтита. Определено влияние на предупреждение кариеса зубов и других стоматологических заболеваний контролируемой чистки зубов с использованием разных зубных паст. В то же время, крайне мало исследований сравнительной эффективности различных методов профилактики, как справедливо отмечено в работе исследователей Shiraz University of Medical Sciences (Iran).

В мире проводятся научные исследования по приоритетным направлениям, в том числе профилактике основных стоматологических заболеваний у детей с диагнозом сахарный диабет: Thammasat University, Mahidol University, Suranaree University of Technology (The Ministry of Public Health, Thailand); Niigata University (Japan); University of Copenhagen (Denmark); Newcastle University, University of Birmingham King's College London Dental Institute (UK); University of Sydney (Australia); Universidade Luterana do Brasil (Brazil); University of Hong Kong (China); Shahid Beheshti University of Medical Sciences, Tehran University of Medical Sciences (Iran); University of Texas health Science Center (USA); The Borrow Foundation (UK). Однако остаются недостаточно изученными вопросы применения неинвазивных и минимально инвазивных методов диагностики стоматологических заболеваний у детей, страдающих сахарным диабетом.

Степень изученности проблемы. Актуальность проблемы сахарного диабета (СД) признана во всем мире. Распространенность заболевания в последние 50 лет приобрела характер пандемии. По данным ВОЗ, в 2012 году в мире насчитывалось 280 млн. больных СД, в том числе 480 тысяч детей, на нее приходится 9% всех смертей во всем мире (Сабанов В.И. и соавт., 2012; Nazir M.A. et al., 2018). СД оказывает наиболее значительное влияние на состояние полости рта. Поэтому детские стоматологи должны быть осведомлены об особенностях течения заболеваний полости рта у детей с СД (Babu S.R., Eisenbarth G.S., 2012; Nirmala S.V.S.G., Saikrishna D., 2016).

Воспалительные изменения при пародонтите могут не ограничиваться ротовой полостью, они также могут вызывать системные последствия у пациентов с СД 1- и 2-типов, наблюдается повышенная распространенность гингивита и болезней пародонта. Установлено, что у больных СД болезни пародонта развиваются в более молодом возрасте, чем в здоровой популяции, она также ухудшается при длительном течении СД (Быков И.М. и соавт., 2018; Хабиров Н.Л. и соавт., 2019; Adlercreutz E.H. et al., 2015).

Доказано, что болезни пародонта отрицательно влияют на гликемический контроль и другие осложнения, связанные с СД и лечение этих заболеваний положительно влияет на эти негативные эффекты. Кроме того, детский кариес является многофакторным заболеванием полости рта, которое часто выявляется у пациентов с СД. Ассоциации между гингивитом, болезнями пародонта, детским кариесом имеют сходное течение, т.е. неадекватная гигиена полости рта и нездоровое питание. Поддержание здоровья полости рта позволит предотвратить хронические заболевания полости рта и смягчить последствия хронических воспалительных процессов (Lifshitz F. et al., 2016).

